

ИЖТИМОЙ ХИМОЯ

Тошкент шаҳар касба уюшмалари Кенгашининг саҳифаси

Меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш касба уюшмалари фаолиятида гоёт муҳим ўринни эгаллайди. Бу борада корхона маъмурияти билан касба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси катта аҳамиятга эга бўлиб, мазкур юридик ҳужжат орқали меҳнаткашларнинг манфаатлари қонуний асосда ҳимоя қилинади. Жамоа шартномаларининг тахлили шуни кўрсатдики, унда кўзда тутилган мажбурият ва имтиёзлар бажарилишида меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоялашни қучайтириш ва ижтимоий шерикчилик тамойилларининг жорий этилишига алоҳида эътибор берилган.

Жумладан, ёнилғи-энергетика, геология ва кимё саноти ходимлари касба уюшмаси шаҳар кўмитасининг касба уюшма хизматидидаги корхоналарда бу соҳада амалга оширилган ишларни таъкидлаш лозим.

Тармоқ корхоналарининг жамоа шартномаларига қатор мажбурият ва имтиёзлар киритилган.

Масалан, ходим меҳнат таътилига кетаётганда бир маош миқдорига моддий ёрдам кўрсатилади, аёллар учун қўшимча таътилар берилади, фарзандлари мактаб аёғига чапган қўп болалар аёлларнинг иш ҳақи сақланган ҳолда иш вақти қисқартирилган. Фарзандлари 2-3 ёшга

тулгунга қадар оналарга корхона ва ташкилот ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилади. Жамоат транспортда ишга қатнаш учун йўл кира қўймагининг 50 фоиздан кам бўлмаган миқдори 50 та корхонада тўланади.

Биринчи мартаба турмуш қураётган ёшларга «Тошнефтмаҳсулот», «Ўзкимёфарм», «Маийшиқимё» киши аҳиллик билан барака-ли меҳнат қилиб келмоқдалар.

Корхона меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари 2001-2003 йиллар учун тузилган муҳим юридик ҳужжат — жамоа шартномаси асосида ҳимоя қилинади. Унга мувофиқ ишчи-хизматчиларнинг яқинлари вафот этганда, бахтсиз ходимасида корхонадаги барча аёллар учун маош сақланган ҳолда иш тамомланиш вақтини бир соатга қисқартириш имтиёзи берилган. Болани парваририш таътиллари иш стажига қўшиб-лади ва қўшимча меҳнат таътиллари кунлари олиш ҳуқуқини беради.

Зарарли шароитда ишловчилар касб ва мутахас-

Жамоа шартномалари — устувор йўналиш

корхоналарида моддий ёрдам кўрсатилади. Ҳомилдор аёлларга таътил «Ўзнефтгаз» корхонасида 6 ойдан бошлаб берилади.

«Ўзнефтгаз», «Ўзэнерго», Ўзбекистон Республикаси давлат геология қўмитаси, «Ўзкимёфарм» каби корхона ва ташкилотларда ходимларнинг фарзандларини олий ўқув юртида шартнома асосида ўқитиш учун пул ўтказилади. Янги ўқув йили арафасида ходимларнинг фарзандлари учун дарсликлар ва ўқув қуроллари олиб берилади.

«Сувсоз» трести давлат унитар корхонаси пойтахтимиздаги йирик меҳнат жамоаларидан бўлиб 70 дан ортиқ мутахассислик бўйича 4,5 минг нафардан зиёд

салар рўй берганда моддий ёрдам берилади. Ишчи-хизматчилар 50, 54, 55, 60 ёшга тулганда, пенсияга кузатиладиганда рағбатлантирилади. Чунинчи, пенсияга кузатишда ишчи-хизматчиларнинг ушбу корхонадаги иш стажининг қўлмига қараб моддий рағбатлантириш миқдори ҳам ошиб боради. Ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари 1-синфга борганда, иш стажига 30, 35, 40 йил бўлганда, беморларни бориб қўриши, 2 ёшдан 3 ёшгача фарзандини парвариришга қўриши ва таътиллидаги аёлларга ҳамда «Наврўз» байрами мунсабати билан ҳам таъминланган, ночор ишчи-хизматчиларга моддий ёрдам кўрсатиш белгиланган.

Шунингдек, жамоа шарт-

сислик рўйхатига мувофиқ бепул махсус кийим-кечак, пойабзал ва бошқа алоҳида яқна тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминланади. Жумладан, 41 та мутахассислик бўйича ишловчи ходимларга ҳар ойда бир мартаба бир бўлак ҳўжалик совуни, 52 та мутахассислик бўйича меҳнат қилаётган касб эгаларига махсус сут берилади.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат аҳлининг оғирини енгил, мушкулни осон қилиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш учун ҳормай-толмай меҳнат қилиш самараларини, хайрли бўлиб, савоб ишни сидқидилдан бажариш ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Улугбек ПЎЛТАОВ

Анъана давом этади

«Сифат» лойиҳа қурилиш акциядорлик жамиятида меҳнат жамоаси аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан асосий меҳнат таътили Меҳнат кодексига белгиланган 15 иш кунининг 18 кунини ташкил этади. Корхонада зулуксиз иш стажига учун ходимга бир кундан 7 кунгача ва зарарли Меҳнат шароитида ишлаганига учун иш жойларининг аттестацияси бўйича 3 кундан 9 кунгача қўшимча таътил берилади.

Бу борадаги йўналишда бизнинг бош вазифамиз — ишчи мириқиб хордик чиқарган ҳолда меҳнат таътиллари кейин кун-куватини тиклаб бундан бундан ҳам самарали меҳнат қилишига эришишдир. Чунки, «Янги дам меҳнатга ҳамдам» деб бежиз айтилмаган.

Корхонада «Она ва болалар» дастурига биноан қатор тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга таътиқ этилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойда «Она ва болалар» дастурининг таътиқ этиш юзасидан 5168000 сўм миқдорига маблағ сарфланди. Муҳтож оилаларнинг манфаатини ўйлаб қарамонда ун ва ундан кўп фарзандлари бўлган аёлларнинг рўйхати тузилиб, уларга зарур ёрдам кўрсатилади. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида корхона ишчи-хизматчиларининг фарзандлари соғломлаштирилади. Спорт — саломатлик гарови, дўстлик ришатадир. Бунга корхонада алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. 2000 ва 2001-йилларда ёшлар ўртасида спортмаъраза ўтказилди. «Меҳр кўзда» деган шарҳона нақл бор. Ойилари дўстлик, аҳиллик касбга ҳурмат, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига хизмат қилади. Шу мақсадда табиат гўшаларида икки кунлик оилавий дам олиш тадбирлари амалга оширилади. Шунингдек, қўрувчи аҳлининг гузал пойтахтимизнинг «Боғи зрам», Миралло Улугбек маданият ва истироҳат боғларида фарзандлари даврасида мириқиб хордик чиқаришлари ташкил этилмоқда.

Бу хайрли ишларда маъмуриятнинг маблағ таъминлаши мақсадан касба уюшма кўмитаси билан кўни қўлга бериб, ижтимоий шерикчилик тамойилига риоя этган ҳолда меҳнат аҳлининг манфаати учун қилаётган саяё-ҳаракатларини мамнуният билан таъкидлаш лозим.

Бунёдкорлик — гузаллик яратиб демократ. Мактаб босиси қўриб битказилган келажакнинг ворислари бўлиши азиз болаларнинг папка, дарсликлар, ўқув анжумларини соғва қилиш эзу иш бўлиб, бу хайрли ишларни қўрувчи тароқлар ичидан илк мартаба қўрувчи бунёдкорлар бошлаб беришга эди. Эндилкида эса бу ташаббус қўлоқ отиб оммалашиб бормоқда. «Биринчи синф кўни» байрамида болаларга зарур ўқув ашёлари тақдим этилиб, шунингдек, томошалари намойиш қилинмоқда ва улар ширинликлар тортилган файзли дастурхоннинг азиз меҳмони бўлмоқдалар.

Митрофанов номидаги спорт-соғломлаштириш мажмуаси болаларнинг севимли жойига айланган. Ота-оналар фарзандлари билан биргаликда ушбу спорт саридада жами 132 киши соғлиқларини мустаҳкамлайдилар.

Янги йил ва бошқа қўлғу салналар муносабати билан қатта маданий дастурлар ташкил этилмоқда. Бу тадбирлар албатта маблағ сарфлаш асосида амалга ошадди. Маъмурият ва касба уюшма кўмитаси инсон омиллини биринчи ўринга қўйиб елкама елка туриб, аҳил-иноқлик билан меҳнат қилмоқда.

Бундан бундан ҳам азамат қўрувчиларимизнинг ишончини оқлаб, мушкулни осон, оғирини енгил қилиш борасида астойдил меҳнат қилаверамиз.

В. СКОЛОТА, «Сифат» лойиҳа қурилиш акциядорлик жамияти касба уюшмаси кўмитасининг раиси.



Ака-ука ҳайдовчилар

Сергели туманидаги «Ўзар» маҳалласида яшовчи йўлдошлар оиласини кўпчилик «Ҳайдовчилар сулоласи» деб айтишади. Бунга сабаб оила сардори Турсунбой отанинг изидан бориб, хонадондаги беш ўғлоннинг ҳам ҳайдовчилик касбини танлагани ва транспорт соҳасида ишлаб, ҳамшаҳарларимиз узоғини яқин қилаётганидир.

Ота-она дуоси энг катта давлат ҳисобланади. Шу боис ҳам фарзандлари шу хунарни эгаллаб, эл хизматига бўлишга аҳд қилганлариди Турсунбой ота ва Зухра аялар уларга оқ йўл тилашди. Бугунги кунда беш азамат — Жаҳонгир, Музаффар, Абдурашид, Икром ва Дилшодлар шаҳар жамоат транспортда фидокорона меҳнат қилаётган ҳайдовчилардан саналади.

Тўнғич фарзанд Жаҳонгир 1990 йилда ҳарбий хизматдан қайтиб 4 йил 4-автотбус саройида чилангарлик касбини эгаллади ва ўтган давр мобайнида ҳайдовчилик гувоҳномасини ҳам олди. Кейин у 8-автотбус йўналишида одамлар манзиллини яқин қилди. Узининг ибратли меҳнати билан хурмат қозонган Жаҳонгирни йўналиш ҳайдовчилари ўзларига сардорликка маъқул қўришди... Ҳозирда эса у 132-«Сирғали — Чорсу» йўналишидаги автобусни бошқармоқда.

Акасига ҳавас қилган Музаффар ҳам аввал чилангар, эндилкида эса 8-автотбус йўналишида ҳайдовчи бўлиб фаолият юритмоқда.

Уқалар гапни бир жойга қўйишган эканми, Абдурашид, Икром ва Дилшодлар ҳам акалари изидан боришди. Уларнинг барчаси айна кунларда элга намунали хизмат қўриштиришга ҳаракат қилишиб, 8-автотбус саройининг фахрига айланганлар. Ота-оналари эса доимо файзли дастурхон атрофида дуога қўл очиб қўришган, фарзандларига омад, хатарсиз йўл тилашди. Уларнинг дуоси эса азиз ўғлонларга маддад ва куч-қувват бахш этмоқда.

Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ, Усмон МУҲАМЕДОВ СУРАТДА: (чапдан) Икром, Абдурашид, Музаффар, Жаҳонгир ва Дилшод Йўлдошлар.

Кундалик турмушимизда «зангори оловнинг ўрни бекинмас. Бизни ҳар биримиз яхши биламиз, унинг бекинмас хизматида кераклича фойдаланамиз. Аммо кўпчилигимиз, унинг истеъмолчиларига етказиб беришдаги ўзига хос машаққатларини эс этмаган ҳолда баъзида газни ноқонуний ишлатамиз, исрофгарчилигига йўл қўямиз. Шу боис ҳам «Тошшаҳаргазтаъминот» шўбба корхонаси бош муҳандиси Собир КУЧАРОВАга мурожаат қилиб, пойтахтимиз аҳолисини газ билан таъминлашда амалга ошириладиган ишлар ва истеъмолчиларнинг нималарга эътибор қаратишлари лозимлиги ҳақида гапириб беришларини илтимос қилдик.

«Тошшаҳаргазтаъминот» шўбба корхонаси (илгариги «Тошгаз» бошқармаси) 1957 йилда ташкил этилган бўлиб, ўз олдида шаҳар аҳолисини, санот корхоналари, коммунал-маиший объектлар ва иссиқлик ишлаб чиқарувчи қозонхоналарни мунтазам ва хавфсиз газ билан таъмин-

лашга қаратилган ва имкониятдан келиб чиқиб бу ишларга амалга оширилмоқда. Албатта, хозирлик ишларнинг режада белгиланганидек бажарилиши намунали хизмат қўриштиришда, узилишларга йўл қўймасликда муҳим роль ўйнаши, шубҳасиз. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг яқинда Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида гапирган гапларидан тўғри хулоса чиқариб, қиш мавсумига тайёргарлик ишларини ўз вақтида ҳамда сифатли ниҳоялашга асосий эътиборни қаратамиз.

Фойдаланилган табиий газ ҳақини ўз вақтида тўламаётган ва уни ноқонуний равишда ишлатаётган фуқаролар ҳақида мисоллар келтира олсизми?

— Албатта. Бергина август ойининг ўзида ана шундай мижозлардан 110 нафарининг иши ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилди. Уларнинг қарзлари 2297 минг сўмни ташкил этган. Бундан ташқари 479 та мижоз 11663 минг сўм қарзларини вақтида тўламаганини боис газ тармоғидан узиб қўйилган. Аник мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, ана шундай масъулиятини унутган қарздорлар ҳар бир туманда топилди. Собир Раҳимов тумани, Омонат кўчаси, 48-хонадон соҳиб Иноғомов 76040 сўм, Ободон кўчаси, 11-хонадон эгаси Тўраҳужаев 47178 сўм, А Икромов тумани, Байроқ кўчаси, 35-уйда яшовчи Б. Мавлонов 45556 сўм, Тўқимачи 3-тор кўчаси, 9-уйда истиқомат қилувчи А. Султонов 49886 сўм, Чилонзор тумани, Турсунқўжаева кўчаси, 68-уйдан Н. Урмонов 63440 сўм, Шайхонтоҳур тумани, Уйғур кўчаси, 412-уйда яшовчи А. Расулов 67079 сўм, Марат кўчаси, 34-уйдан Б. Пулатов 48175 сўм, Яқкасарой тумани, А. Қаҳҳор кўчаси, 18-уйдан Х. Нурмухамедов 33651 сўм қарзларини тўламай пайсалга солиб юришибди. Натижада бу хонадонларнинг кўпчилиги газ таъминотидан узиб қўйилди. Аммо қўриладиган чора-тадбирларни ноқонуний тарзда бузиб, ўзларини ва оила аъзоларига хавфхатар тугдирди турли усуллар билан газни улаб олаётган фуқаролар ўраётганини ниҳоятда ачинарлидир. Барча қарздорларга айтилган гапимиз битта: Атрофдагилардан уялинг, газини ёққангиздан кейин пулни чакмасинда. Ҳа, албатта, тўловнинг ўз вақтида бажарилиши бизга ҳам, истеъмолчига ҳам факат фойда келтиради, ҳолос.

— Келгусидаги режаларингиз...

— Режаларимиз бисёр. Лекин уларнинг барчаси пойтахтимиз аҳолисини, корхона ва ташкилотларни табиий газ билан янада изчил, мунтазам таъминлашга намунали хизматни ташкил этишга, олдимиздаги муаммоларни ечимини топа билишга қаратилган. Мақсадимиз «зангори олов» ҳеч бир хонадонни тарқ этмасин, улар бу қўлайликдан бебахра қолмасин.

Шарифа ИЛЁСОВА суҳбатлашди.

МУСОҲАБА Хонадонингиздаги «зангори олов»

лашни мақсад қилиб қўйган. — деди бош муҳандис. — Ана шу мақсад ва вазифаларни бекаму кўст адо этиш йўлида бугунги кунда жамоанинг 1400 нафардан зиёд ишчи-хизматчиси меҳнат қилмоқда. Ҳозирги кунга келиб пойтахтимизда 537612 та хонадон газлаштирилган бўлиб, истеъмолчиларга йилга 3,5 миллиард метр куб, шу жумладан аҳоли учун 1,17 миллиард метр куб табиий газ етказиб берилади. Бунинг учун шаҳримизда 5010 километр ҳар хил босимдаги газ қувурлари, 65 та юқори босимли, 1340 та ўрта босимли газ тақсимлаш пунктлари қурилган.

— Коммунал хизмат соҳасидаги ислохотлар жамоада қандай амалга оширилмоқда?

— Президентимизнинг 2001 йил 17 апрелдаги «Коммунал хизмат қўриштириш соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичга тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ аҳолига қўриштирилган коммунал хизматлар сифатини ошириш, хизмат ҳақини тўлқ ва ўз вақтида тўлалиши юзасидан корхонамизда аниқ тадбирлар режаси амалга оширилмоқда. Бугунги кунга келиб шўбба корхонамиз пойтахтимиздаги 263 та маҳалла билан газ ҳақини ўз вақтида тўлаш тўғрисида битим тузган. Маҳаллаларга назоратчи вакилларимиз бириктирилган бўлиб, режа топшириги билан қарздорлар рўйхати бериб борилмоқда. Шаҳар «Оқсоқоллар кенгаши» ва «Маҳалла жағмараси билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида йилгиларга уюштирилмоқдаки, бу тадбирларнинг барчаси дебиторлик қарзи қамайишда яхши натижа бермоқда. Жорий йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида дебиторлик қарзи 433830 минг сўмдан 195872 минг сўмга қамайган. Айниска, хусусий уйлар ва хо-

надонларга газ ҳисоблагичлар ўрнатиш ҳам ўз самарасини бермоқда. Пойтахт аҳолисини хонадонларига газ 525200 та газ ҳисоблагичлар ўрнатилиши лозим. Бу режа асосида 2005 йилгача амалга оширилади. Жорий йилнинг 10 августига қадар 35 мингтадан ортиқ ана шундай асбоблар

Ҳамкорлик самараси

Касба уюшмаларининг асосий вазифаларидан бири меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга қўлай иш шариоатларини яратиш, соғломлаштиришдир. Бу вазифаларни бажаришда иш берувчи билан касба уюшмаси ўртасидаги жамоа шартномасининг тўғри тузилиши, ҳар икки томоннинг манфаатларини ижобий ҳал этишдаги ҳамкорлик фаолиятлари ўз самарасини беради.

Бу борада Тошкент тўқимачилик ва енгил санот институтида катта тажриба тўпланган. Институтда ҳар йилги иш берувчи билан касба уюшмаси ўртасидаги жамоа шартномаси кенгайтирилган илмий кенгашда кенг муҳожама этилиб, қабул қилинади, янгиланади. Институтнинг жамоа шартномасида Мустақиллик йилларида, бозор иқтисодиётининг ўтиш даврида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган барча вазифалар, шунингдек олий таълимни ислоҳ қилишдаги долзарб топширик ва вазифалар ўз аксини топган.

Институт раҳбарияти билан касба уюшмаси ўртасидаги жамоа шартномасида кўзда тутилган шартлар асосида институт раҳбарияти ва япон экспертларининг етти йил давомида чуқур ўрганилиши, тахлиллар эвазига Япония Ҳукуматиининг 4 миллион АКШ долларини миқдоридиқа бегараз ёрдам грантини олишга муваффақ бўлиди. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн йиллиги арафасида ана шу бегараз ёрдамнинг бир қисми — 60 та энг замонавий компьютер, аудио ва видеосинфларга мўлжалланган техника ва жиҳозлар институтнинг 1-ўқув биносига ўрнатилди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, институт компьютерлар билан таъминланиши бўйича Республика олий ўқув юртилари ўртасида пешқадам ўринни эгаллаб келмоқда. Бу эса талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг энг замонавий техникалардан фойдаланиш имконини берган бўлса, ўқув жараёнига янгича услуб, педагогик технологияларни олиб киришга самарали қўлланмалар яратиш шариоатини беради.

2001-2002 ўқув йили давомида сертификатлаш лабораторияси, ипақ, тўқимачилик ва трикотаж технологик ускуналари, тикув буюмлари, кимё, чарм-пойабзал лабораториялари учун

зарур замонавий жиҳозлар ўрнатилади. Бу ижобий натижа ҳам институт раҳбарияти (иш берувчи) билан касба уюшмаси ўртасидаги жамоа шартномасининг муваффақиятли бажарилиб келаятиганидан далолатдир.

Институт раҳбарияти барча профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар билан бирга фахрий ўқитувчи-ҳодимлар ҳамда пенсионерларни ҳам ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор бериб, ота-онасиз бўлган талабаларга ҳар йили моддий ёрдам пули беришдан ташқари «Наврўз» умумхалқ байрами арафасида барча профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларга костюм, шим, пальто, плаш, жемпер, қўйлак каби кийим-кечаклар, моддий ёрдам сифатида тақдим этилмоқда. Зарарли иш шариоитида ишлаган ходимларга бепул сут маҳсулотлари ажратилмоқда, профессор-ўқитувчиларнинг саломатликларини тиклаш учун соғломлаштириш хоналари — сауна ва «Саломатлик» спорт клублари ташкил этилган. Шунингдек, институт раҳбарияти ва касба уюшмаси қўмитаси талабаларнинг Республика олий ўқув юртилари ўртасидаги «Универсиада - 2002» спорт мусобақаларига тайёргарлик қўришлари бўйича ташкил этилаётган спартакиадаларга ва 12 та спорт шўббаларида шугулланаётган 400 дан зиёд талабаларга барча шариоитлар яратилган. Профессор-ўқитувчилар ва талабалар жамоалари ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказилиб турилиши мақтоғва лойиқдир.

Профессор-ўқитувчи ва ходимларнинг фарзандлари учун янги йилдаги арча байрами ва ёғни дам олиш мавсумида «Лочин» оромгоҳларига йўланмалар имтиёзли равишда берилади. Ёғни таътилда Тошкент вилояти Бўстонлик туман Хумсон қишлоғидаги институтнинг «Рохат» спорт-соғломлаштириш оромгоҳида 200 нафар ўқитувчи-ҳодимлар ва 100 дан ортиқ талабаларга имтиёзли йўланмалар берилади ва улар дам олишиб, ўз соғлиқларини тиклайдилар. Ҳар ўқув йилида ўқитувчи-ҳодимлар ва талабалар учун Республика-мизнинг тарихий ва қўҳна — Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига саёҳатлар ташкил этилади.

Институт раҳбарияти профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам бўлиб, ҳар йили 45-50 миллион сўм миқдоридида маблағ сарфлайди.

«Оналар ва болалар йили»да институт раҳба-

— Эргаш Жумабоевич, бошкарма фаолияти турли хил фавкулдада ходисаларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатишдан иборат эканлиги кўпчиликка яхши маълум. Фавкулдада вазиятлар тинчлик пайтларида ҳам юз бериб туради. Айтинчи, бугунги кунда Ташкент шаҳар Фавкулдада вазиятлар бошкармачиси томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Авваломбор, шунчиси амалга олишнинг истардимки, аҳолини фавкулдада вазиятлар пайтида зарур хатти-ҳаракатларни бажаришга ўргатмасдан туриб уларнинг олдини олиш унчалик самара бермайди. Шу сабабдан биз аҳолининг турли тоифаларини доимий ўқитиб бораемиз. Фақат шу йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида халқ ҳужалиги объектларида фаолият кўрсатган 350 мингга яқин ҳам-шаҳарларимиз ўқитилиб, керакли билим-қўнималарга эга бўлишди. Бундан ташқари, бугун йил давомида шаҳар раҳбарлари таркибини фавкулдада вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш бўйича ўқитиш ишларини амалга оширдик. Шундай тарзда ўқитиш учун бизда барча шарт-шароитлар мавжуд. Машгулотларни ўз ичига таникли олим ва мутахассисларни қамраган малакали ўқитувчилар таркиби ўтказмоқда. Улар қаторида сўйсомоқда ва сейсмик бардошлилик соҳаси бўйича мутахассис, академик Т. Рашидов, техника фанлари доктори О. Ҳакимов, М. Кузьмин, З. Яроян ва бошқаларни тилга олишимиз мумкин. Машгулотларни малакали ва ҳамма учун содда ҳамда тушунарли тарзда ўтказиш учун бошқармада услубий материаллар, турли қўлималар, эскилар билан бор. Жорий йилда давлатлар мактаби бошқарма тасарруфига ўтказилди ва унда Ўзбекистон Республикаси фуқаролар муҳофазасининг барча кўтарув тузилмалари ўқитилмоқда.

Бошқарма фаолиятини Ташкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов доимий равишда қўллаб-қувватлаб турибди. Шаҳар ҳокими пойтахт фуқаролар муҳофазасининг бошлиғи сифатида тошкентликлар ва шаҳар меҳмонларининг хавф-хатарсиз истиқомат қилиши ва фуқаролар муҳофазаси, ҳаётини таъминлаш юзасидан барча тизимларнинг ишончли ишлаб туриши бўйича ўтказиладиган ҳамма тадбирларда шахсан ўзи қатнашади.

Афғонистонда, яъни бизнинг чегараларимиз атрофида терроризмининг пайини киркиш юзасидан турли операцияларнинг ўтказилиши муносабати билан, шубҳасиз ҳар биримиздан янада хушёрроқ ва огоҳ бўлиш, қандайдир фавкулдада вазият юз берган ҳолда ўзимиз амалга оширишимиз мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар ва ўзини тугатиш қоидаларини ўрганиш талаб этилади.

Шу сабабдан бошқарма аҳоли ўртасида кенг қўламдаги тушунтириш ишларини амалга оширмоқда.

— Бунда қандай усуллардан фойдаланилмоқда ва биринчи навбатда нималарга эътибор қаратилади?

— Бошқарма ҳодимлари республика телевидениеси, шаҳар ва республика матбуот воситалари орқали доимий равишда чиқишлар қилишиб турибди. Туманларда қўмендон-қароргоҳ, тактик-максус ўқувлар, халқ ҳужалиги объектла-

рида фавкулдада вазиятлар пайтида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар юзасидан машгулотлар ўтказилмоқда. Бу жараёнларда тегишли услубий материаллардан фойдаланилади. Ишлаб чиқариш билан банд бўлмаган аҳоли билан, ўқув муассасаларида (болалар боғичисидан бошлаб институтларга қадар), маҳалларда, ширкатларда ўқитиш ишлари ўтказилмоқда. Кишилар, шунингдек, турли йўналишдаги фавкулдадаги вазиятларда қандай хатти-ҳаракат қилишга ўргатишмоқда. Шунчиси алоҳида таъкидлаш керакки, бундай ўқитишнинг самараси кўп жihatдан кишиларнинг ўзлари бунга қандай қизиқишларига боғлиқ. Афсуски, ҳамон ҳамма ҳам бундай зарур юмушга лозим даражада оғли равишда ва жиддий ёндашмайпти. Бироқ биз ҳонадонларимиздаги тинчлик ва оқибатлари ҳар биримизга ва бизнинг турли хил тажовузор омилиларни таъмирдан ҳимоялаш бо-

қиладиган болалар респиратори кўзда тутилган.

Газўғунқоч ва респираторлардан ташқари нафас йўллари химоялаш мақсадига нафас олиш органларининг жиддий ҳимоя воситаларини ҳам қўллаш мумкин. Уларга нафас-сати боғламлари, чанга қарши мато никоблири кирди. Ва улар қўйидаги тартибда хўлланган бўлишлари керак: масалан, хлор буғларидан химоялаш учун 1 фозили лимон ёки 0,5 фозили сульфатларни аралашмалари билан; радиофаол чангдан химоялаш учун уларни сувда чайилди. Терини химоялашнинг оддий воситаларига эса ишлаб чиқариш жараёнига мосланган кийимлар (брэнет ёки унинг аралашмасидан тижилган махсус кийимлар) ва турмушбоп кийимлар (капюшонли гилашлар, резина аралашмасидан тижилган матолар, хлорланган билан қопланган матолардан тижилган кийимлар) кирди ва улар масалан кўйидаги тартибда хўлланган бўлишлари керак: хлор буғларидан химоялаш учун 5 фозили лимон ёки 0,5 фозили чой содасининг аралашмаси билан; аммиак буғларидан химоялаш учун 2-3 фозили лимон ёки уксус кислоталарининг аралашмаси билан; радиофаол чангдан химоялаш учун уларни ҳамда резина эти, резина ва чарм кўпоқларни оддий сувда чайиш керак. Бундай маълумотларга шахримизнинг бутун аҳолиси эга бўлиши керак. Зеро, шунчиси унутмаслик кераки; ишлаб чиқариш-технологик жараёнларда миллион-миллион тонналар ҳар хил кимёвий моддалардан фойдаланилмоқда. Уларнинг айрим қисми яндо ҳаётга хавф солади. Шунингдек, фойдаланилган яндо реакторлардан эса радиофаол захарланган хавф ҳам мавжуд.

— Кейинги йилларда жумладан, шаҳарда тартиб-қоида ва оқибатларини таъминлаш борасида маҳаллаларнинг роли сезиларли даражада ошиб бормоқда. Бошқарманинг фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш йўналишлари билан ҳамкорлиги қандай амалга оширилмоқда?

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамасининг 1997 йилдаги 558-сонли қарорига мувофиқ Ташкент шаҳрида фавкулдада вазиятларнинг олдини олиш бўйича Давлат тизимининг ҳудудий қўйи тизими ташкил этилган. Унга Ташкент шаҳри ҳаётини таъминловчи 25 дан ортиқ шаҳар хизмати, шу жумладан «Маҳалла» жамғармаси ҳам кирди. Ушбу жамғарма орқали маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан жисп алоқалар амалга оширилади. Бирлашган ўқув-услубий марказда шахримиздаги деярли барча маҳаллаларнинг оқсоқоллари ва фаоллари ўқитилди.

Бошқарманинг асосий вазифаси — фавкулдада вазиятларнинг олдини олиш ва унинг оқибатларини барқарор этиш ва шаҳардаги барча қўчларни мувофиқлаштиришдан иборатдир. Фуқаролардан фойдаланиб, пойтахт аҳолиси ва унинг меҳмонларига Ташкент шаҳрида барча мурожаат қилганларга тезлик билан бепул ёрдам кўрсатиш «Қўчқарув хизмати» мавжудлигини яна бир қарра эслаш ўтмоқчиман. «Қўчқарув хизмати»га 050 рақами орқали қўнғирок қилиш учун ҳам ҳеч қандай тўлов талаб этилмайди.

«050»: ҚўТҚАРУВ ХИЗМАТИ

Ҳонадонимиз осойишталиги ўзимизга боғлиқ

Албатта, ҳеч ким ўз хоҳишига кўра фавкулдада вазиятга тушиб қолишни истамайди. Бироқ ҳаёт кутимиздан воқеа-ҳодисаларга шунчалик бойки, ногоҳон шундай вазиятлар юз берса, уларнинг олдини олғувчи ва оқибатларини жасурилик билан тез ва малакали бартараф қилувчи кишиларга ёрдам сўраб мурожаат қиламиз. Мамлакатимиз чегараларига жуда яқин бўлиши Афғонистонда халқроқ терроризмга қарши кенг қўламдаги кураш олиб борилаётган бугунги кунда Республика Фавкулдада вазиятлар вазирилик бошқармалари роли янада ортиб бормоқда. Бизнинг Ташкент шаҳар Фавкулдада вазиятлар бошқармачиси бошлиғи, полковник Эргаш Икромов билан суҳбатимиз пойтахтда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида бўлди.



расидаги билимларимизга боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак.

— Аҳолининг шахсий химоя воситалари тўғрисида сўз юритар эканмиз, бошқарма бу борада қандай рекурсрларга эга эканлиги тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Фавкулдада вазиятлар юз берадиган ҳолатлар учун аҳолининг барча зарур шахсий химоя воситалари кўзда тутилган. Шахсий химоя воситалари инсон танаси ичига, терисига ва кийимларига радиофаол, захарлайдиган ва бактерия воситалари тушмаслигини таъминлаш учун мўлжалланган. Булар авваломбор ГП-5 ва энг янги русумдаги ГП-7 фуқаролар газўғунқочларидир. ГП-7 МДХ ҳудудидagi энг яхши газўғунқоч ҳисобланади. У нафас йўллари, кўз ва юзни радиофаол захарлаш моддалари ҳамда бактерия воситаларидан ишончли химоя қилади. Бир ярим ёшгача болалар учун шахсий химоя воситаси сифатида КЗД-3 махсус болалар химоя камерасидан фойдаланиш мумкин. Унинг корпусига ўрнатилган кўриш ойнаси боланинг нима билан машғул эканлигини кузатиб туриш имконини беради. Камера кўзда ва елкаларда кўтариб юришга мўлжалланган; уни чанги ёки болалар аравачасининг сассисига ўрнатиш ҳам мумкин. Шунингдек, респираторлар ҳам мавжуд бўлиб, улар нафас йўллари радиофаол, ишлаб чиқариш ва табиий чанглардан химоялаш учун қўлланилади. Улардан яна шунингдек, бактериологик захарланган ерларда азролқ кўринишда ҳавога ёйилган бактериал воситаларга қарши химоялашда фойдаланиш мумкин. 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар учун катталарникидан ўлчами билан фарқ

Шарқ дурдоналари
Ўз-Ўз ўтганиб
Домо бўлур...

● Гурур барчага хос хусусият: аммо фарқи шундаки, уни қачон ва қерда кўрсатишни билиш керак.
● Сахйлигимиз эмас, ғуруримиз бизни айб қилиб қўйган кишиларга насиҳат ўқишга ундайди; биз уларни ўнглаш учун эмас, ўзимизни кўз-кўз қилиш учун уларга дакки берамиз.
● Ғурур — олижаноб ҳиссиёт — у шахсий камчиликлардан кўз юммайди. Димогдорлик эса бунинг акси.
● Мағрур кишилар бошқармачиси гурурни сингдира олмайдилар.
● Тўхтамай гапириб, бировга қўлоқ солмаслик мағрурлик белгиси.
● Олимлардан Н.Хаддод айтиди:
— Инсон учун энг зўр фазилат — ўз даражасини билишдир. Бу фазилат илминг, зийраклигинг каби ақлий қувватинг ва жисмоний қувватинг, жамятда тутган ўрнинг, обрўйинг, ҳулласи ҳамма сифат ва фазилатларининг даражасини муқаммал равишда билиш билан ҳосил бўлади. Шундай бўлмаса, ўзингни севишда алданасан.
Гурур ва такаббурлик ўз даражангни билишинг зиддидир. Ўз даражасини билувчи кишининг феъл-атвори билан мағрур ва мутақаббир кишининг феъл-атворини таққослаб қўрсак, биринчи кишининг фазилати барқ уриб туради. Ўз даражасини билган киши ўзининг илмий кучига таяниб, билгани қадар сўзлайди, билмаганидан оғиз очмайди, халқ уни ҳурматлайди. Ўз даражасини билмаган мағрур ва мутақаббир киши эса ўзи билмаса ҳам маълумотфурушлиқ қилиб халқнинг нафратига сазовор бўлади.
Биринчиси, яъни ўз даражасини билган киши кучи етганича саъй-ҳаракат қилиб ишларида муваффақият қозонади. Иккинчиси, яъни ўз даражасини билмаган мағрур ва мутақаббир киши тоқатидан ортиқ юришга ҳаракат қилиб, йўлда қолиб кетади. Биринчиси билиб, англаб йўл юргани учун ўйлаган мақсадига эришади, иккинчиси юрган йўлини билмай, кўр-кўрона ҳаракат қилгани сабабли мақсадига, орзуига етмайди.
Халқ албатта бу икки кишининг феъл-атворини ажрата олади. Биринчисини мақтайди, севади, кейингисидан нафрат қилади. Шунинг учун ўғлим, зинҳор мағрур ва мутақаббир бўлма, саъй-ҳаракатларинг шамолга учмасин. Ҳар вақт сўзларингни ўлчаб сўзла, бир ишга киришмасдан олдин йўлаб кўр. Дўстларинг ва душманларинг сенинг тўғринида нима сўзлайдилар, ҳаммасини билиб тур. Сенинг ишларингни танқид этганларини эшитсанг, зинҳор ачинаман. Чунки танқид сенга фойда келтиради. Танқид соясида ҳаттоларингни тузатасан, бундан кейин қиладиган ишларингда ҳатога йўл қўймаслик учун гайрат қилсан, ўз даражангни билиб ишлайсан.
Байт:
Мадрларнинг ишларини андиша қил,
То тириксан яхши ишни пеша қил.
● Инсоннинг ички оламидаги эзгулик — қуёшдир.
● Инсон тани учун сихат-саломатлик қанчалик зарур бўлса, қалб учун эзгулик ҳам шунчалик муҳим, эзгулигинг бўлса, у ҳар ишда муваффақият келтирса, уни сезмайсан ҳам.
● Ҳар нарсасга қарши турса бўлади, лекин яхшиликка қарши туриб бўлмайди.
● Яхшилик ва камтарлик, шу икки фазилатдан киши ҳеч қачон қарчамаслиги керак.
● Ҳаққий инсонпарварлик энг аввало адолатдир.
● Одамларни ҳурмат қилиш — ўзини ҳурмат қилишдир.
● Бир донишманд ўз ўлиғига насиҳат қилиб айтиди:
— Ўғлим, ўзингга ва халққа фойдали ишлар қилишга гайрат қил. Олим, фозил, ахлокли, тарбияли одамлар билан суҳбатдош бўл, уларнинг суҳбатларидан баҳра ол. Ёлғончи, нодон, бахил ва икки юзлама одамларнинг суҳбатларидан парҳез қил. Ҳар ким ёлғончи бўлса мурват ва танглиқдан холи бўлади. Шунинг учун тўғрилик ва тўғри сўзлик-фазилатларнинг онаси, ёлғончилик эса ярамаслиқнинг онаси деганлар.
Нодон дўст фойда етказаман деб, зиён етказиб қўяди. Бахил одамдан бирор нарса сўраб обрўйингни тўкма. Кўнглида гина сақлаган одам фурсат топганида сени зое қилади. Икки юзлама, фосиқ киши ўз манфаати йўлида сени қурбон қилиб юборишдан тоймайди.
Байт:
Эгрига ҳар ким ҳамдамдир — куяр,
Сўхбати қаллоб бўлғай дарди сар.
Хижоат: қадимги «Умария» давлатли халифаларидан Умар ибн Абдулғазиз бир қўнчдан ўтаётиб жуда маст бўлган бир кишини кўриб қолди ва жазо бериш учун унинг ёнига келди. Маст киши Умарни қаттиқ ҳақорат қилиб, унинг шаънига ноҳўра сўзлар айтиди. Мастга Умар ибн Абдулғазиз жазо бермасдан қайтиб кетди. Ундан:
— Мастга жазо бермоқчи бўлиб унинг ёнига келдингизу нега бу фикрингиздан қайтдингиз? — деб сўрадилар. Умар шундай жавоб берди.
— Агар у мени ҳақорат қилганга бўлсайди, унга албатта жазо берардим. Ҳақорат қилгандан кейин жазо беришим менинг шаънига мувофиқ келмайди, чунки унга мастлигим учун эмас, мени ҳақорат қилиб қаҳр-ғазабимни келтиргани учун жазо берган бўламан. Халқ шундай деб тушунди.
Хижоат: Анушерван айтиди:
— Бир ибратли воқеа менинг адолатли бўлишимга сабаби бўлди. Йигитлик вақтида бир кун оғва чиқиб отимни ҳар томонга қоптирар эдим. Пейда бироран бир киши тош отиб бир итнинг оёғини синдириди. У киши бир неча қадам босар-босмас меннинг отимни тепиб, унинг икки оёғини синдириди. Кейин отим бир харсангошга қоқилиб, икки оёғини синдириди. Мен бу воқеани кўргач, ўзимга ўзим: «Қўрдингми, улар нима қилдилар ва нимани қўрдилар? Ҳар ким ярамас ишни қилса, ўзи истамаган ишни кўради», — дедим. Шу воқеадан ибрат олдим.
Байт:
Халққа қилгил лутф ила дилдорлик,
Тарқ этиб зўрликни, айла зорлик.
Ким нима экса, ўрар ул экканин,
Қил ўзингга пеша инқорлик.

ТАБИАТ Саломатлик гарови

Маълумки, табиатнинг мусоффо бўлиши саломатлигини сақлашда муҳим ўрин тутади. Бу кенг тушунга бўлиб унга тоза ҳаво, очик сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш, озик-овқат маҳсулотлари ва ичимлик сувининг сифати, аҳоли яшаш жойларининг санитария ҳолати каби омиллар кирди.

Аҳоли яшаш жойларининг озода сақланиши, саранжом-сарийшта бўлиши ҳозирги кунда доллар масала бўлиб бу нафақат ҳокимликлар, ташкилот, қорхона, муассасалар раҳбарларига боғлиқ, балки бундай ижобий ҳолатнинг таъминлашида аҳоли томонидан олиб борилаётган тадбирлар ҳам муҳим ўрин тутади. Ташкент шаҳри, шу жумладан Ҳамза туманида ҳам аҳоли яшаш жойлари санитария ҳолатининг талаб даражасида бўлишини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳамза туман ҳокимлиги томонидан санитария тазолаш дирекцияси билан ҳамкорликда тумандаги ташкилот, қорхона ва аҳоли билан ҳосил бўлган маиший чикиндиларни олиб чиқиш борасидаги шартномаларнинг тўзилиши ва тўловларнинг ўз вақтида тўланиши борасидаги ишларнинг бажарилиши йўлга қўйилди.

Бунинг натижасида тушган маблаглар ҳисобига маиший чикиндиларни олиб чиқиш кетувчи ташкилот — 3 маъсустрен қорхонасига янги техникалар олиш ва ёниги воситалари билан таъминлаш ишлари яхшиланди. Аҳоли яшайдиган маҳаллалардан маиший чикиндиларни олиб чиқиш яхшилаш борасида маҳаллаларга махсус автомашиналарнинг «Сигнал» тизими тариқасида юриши йўлга қўйилди.

Туман ҳокимлигида тумандаги ташкилот, қорхоналар раҳбарлари, маҳалла қўмиталари раислари билан биргаликда чикиндиларни туман ҳудудида махсус ташкил этилган маиший чикиндиларни йиғиш майдончаларига ташлаш ва тааллуқли бўлган ҳудудларни санитария талабига мос равишда сақлаш борасида бир неча бор йиғилишлар ўтказилди. Туман санитария-эпидемиология хизмати ва туман ички ишлар бўлимининг тозаликни назорат қилиш хизмат ҳодимлари томонидан маҳаллаларда тушунтириш ишлари олиб борилди. Ўтказилган чора-тадбирлар орқали туманда санитария ҳолатини яхшилаш борасида бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Туманда йиғилиб қолган жойлардан 3-5 кунлик маиший чикиндилар олиб кетилди, шохқўчаларда чикиндиларнинг йиғилиб қолиши бартараф қилинди, тумандаги қорхона ва муассасалар атрофларида ободонлаштириш ишлари ўтказилиб, санитария ҳолати таъминланди. Туман ҳудудида оқиб ўтадиган очик сув ҳавзаларининг қирқоқларда чикиндиларнинг йиғилиши ва уларни турли хилдаги сувни инфосантирувчи манбаалар билан инфосантирувчи бартараф этиш борасида ҳам сезиларли ишлар олиб борилди.

Табиатни асраш — туман ҳудудининг санитария ҳолатини таъминлаш борасидаги тадбирларнинг бажарилиши туман санитария-эпидемиология хизмати ва ички ишлар бўлимининг тозаликни назорат қилиш хизмати ҳодимлари томонидан назорат қилиниб, аниқланган қоида бузилишлари ҳолати бўйича чоралар қўрилди. Маиший чикиндиларни кўрсатилмаган жойларга ташлашлари ҳолати бўйича Хатирчи 1-тор кўчаси, 28-ўйда яшовчи Анатолий Пасковский, Зағори кўчаси, 11-ўйда яшовчи Георгий Новоселов, Алимкент кўчаси, 18-ўйда яшовчи Виктор Зелецкийга қўнун доирасида жарималар солинди.

Кези келганда шунчиси таъкидлаб ўтиш лозимки, ота-боболаримиз ҳосил бўлган чикиндиларни иложи борича ўз ҳонадонидан олиб чиқмаслик чораларини кўришган. Ҳонадонларда урлар қазилган, моллардан ҳосил бўлган гўнглари эришларга озука сифатида ишлатилган, шох-шаббаларни кесиб ёқилган сифатида фойдаланганлар.

Ҳозирги шароитларда нафақат туманимизда яшайдиган аҳоли, балки бутун Ташкент шаҳри аҳолиси кўрсатиб ўтилган тадбирларни амалга оширсалар, маиший чикиндиларни 30-40 фозига қамайтиришга ўз ҳиссаларини қўйган бўлар эдилар.

Бундан ташқари ҳозирги кунда мавзе ва даҳаларда қурилган маиший чикиндиларни йиғиш майдончалари атрофларига аҳоли томонидан турли хилдаги чикиндилар, шох-шаббалар, қуриш чикиндиларининг ташиниши ачинарли ҳолатдир. Ваҳоланки, аҳоли ўзларининг қуриш чикиндиларини туман санитария дирекцияси билан шартнома тузиб олдиришнинг лозими, сабаби аҳолидан фақат маиший чикиндилар учун тўлов олинади.

Ҳозирги куз мавсумида кўп миқдорда ҳазон ҳосил бўлади. Буни инобатга олиб туман санитария дирекцияси, ободонлаштириш бошқармачиси томонидан йиғилган ҳазонларни олиб кетиш ташкил қилинган. Айрим қорхона, ташкилотлар атрофларида ва хусусий ҳонадонлар эгалари томонидан амалга оширилаётган ҳазонларни ёқиб юбориш ҳолатларини инкор этиб бўлмайди. Бу табиатни турли хилдаги захарли моддалар билан инфосланшишга олиб келиши ва аҳоли ўртасида юқори нафас йўллари касалликларини келтириб чиқариши мумкин.

Хурматли ҳамшаҳарлар, табиатни асраш нафақат юқори ташкилотлар, бошқармалар, муассасалар вазифасидан иборат бўлиб, бу тадбирда кенг омма, яъни шахримизда яшовчи ҳар бир аҳоли фол иштироқ этиши лозим. Ўлаймики табиатни асраш ва халқ саломатлигини сақлашда бутун жамоатчилик иштирокини таъминлаб, табиатнинг бечубор бўлиши ва саломатлигини сақлашга ўз ҳиссасини қўшамиз.

Ш. МИРЗАЕВ,
Ҳамза туман давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг бўлим бошлиғи, табиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор.

Лицейда «Фидойи ёшлар ташкилоти»

Ташкент электротехника алоқа институтининг қошидаги академик лицейда бўлган, бу ерда ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш шакли мавжудлигининг гувоҳи бўлган, Лицейда ташкил қилинган «Фидойи ёшлар ташкилоти» худди кичик бир давлатга ўхшайди. Унинг президенти, 12 та вазирилик, вице-президенти, номзоди, рамзи, шиори, рамзий нули (гольден), нишонни бери.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Таълим тўғрисидаги қўнун қабул қилинганда бундан республикамизда бу соҳада кўллаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Академик лицей ва касб-хўнар коллежлари учун замонавий комплекс бинолар қурилди, бу ўқув масканлари энг илгир технологиялар, жиҳозлар, турли ўқув воситалари билан таъминланмоқда. Яратилаётган шароитлар натижасида келгусида етук малакали мутахассислар етишиб чиқади, дейишга асос бор. Ушбу вазирият амалга ошириш жойларида қандай самалар бермоқда?

Юқорида зикр этганимиз академик лицей 1999 йил октябрда ташкил қилинган бўлиб, бугунги кунда бу ерда 260 ўқувчи аниқ фанлар, ихтимолий гуманитар фанлар ва табиий фанлар йўналишлари бўйича малакали мутахассис ўқитувчилардан таълим олмақдалар. Академик лицейда учта кафедра мавжуд бўлиб, унда 8 та фан номзоди ва бир чанча олий тоифали — жами 36 та ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. Лицейда 19 та фан хонаси, физика ва химия лабораторияси, 30 та компьютерга эга 2 та компьютер хонаси, 3 та лигафон хонаси, кутубхона, 260 ўринли фаоллар зали ва спорт зали ўқувчилар хизматида. Яқинда Мустақилликнинг 10 йиллиги муносабати билан лицейга байрам тўғрисида сифатида Ўзбекистон Республикаси почта ва телекоммуникацияси агентлиги томонидан интернет тармоғи уланди.

— Эш авлоди давлатимизнинг ишончли таяничи бўлиб етишишида биз ўқувчи ва тарбиячилардан катта масъулият ва шижоат талаб қилмади. — дейди лицей директори Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Роза Бўрнова. — Академик лицейимизга кўрсатилган ҳамхўрилик ўқувчи ва ўқувчиларининг янги-янги зафар-



Лицейда «Фидойи ёшлар ташкилоти» аъзолари билан.



Лицей директори Роза Бўрнова.

жуда қизиқаман, — дейди утган йили информатика фани бўйича шаҳар олимпиадасида 11 ўринга сазовор бўлган Аҳмад Абдуллаев. — XXI аср компьютерлар даври, демак у истиқболли соҳа. Республика-мида информатика, кибернетика, телекоммуникация соҳаларининг ривожиди мен ҳам ўз ҳиссамни қўшсам дейман.

Тарих фани бўйича эса Дилмурод Ҳолқов ҳам 11 ўринни эгаллади. «Еш математикалар» симпозиумида қатнашган Абдурашуқ Сулаймонов «Чекланган йўлак ичидаги ном-маълум объектнинг хатти-ҳаракатлари» номли илмий маъруза билан 1-ўринга, Нигора Юсупова «Олтин кесим» номли маърузаси билан 2-ўринга ҳамда кимматбаҳо совгага эга бўлди. Уларни Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги стипендияга таъсис этди.

Ўқувчиларнинг сўзларини тинглаб эканмиз уларнинг бундай хатти-ҳаракатларини кўриш ва муҳим ўзларининг қизиққан касблари бўйича меҳнат қилишларига ҳам қобилиятлари, билимлари ва қўнималари шакллантирилганда мамну бўлиди. Ўқувчиларнинг кўпчилиги келгусида иктисоди ҳалда телекоммуникация ходими бўлишни таъкидладилар.

Лицейдан қайтарганимиз маълумотимизда истиқболли ёшлар шаклланиб келаётганига, лицей ўқувчиларининг келажакка тийрак нигоҳ ташлаб, даражасида бўлаётганига ишонч ҳосил қилдик.

Дилора АБДУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: лицей ҳаётинан лавҳалар.
— Информатика фанига

Кафедрада лаборатория

Тошкент Давлат самолёт-созил институтига олиб борилган илмий изланишлар кўлами кенгайтирилди. Бу борада мустақам илмий-техник негиз яратиш учун қатор лабораториялар ҳам ташкил этилди.

«Қопламалар технологияси» деб номланган лаборатория ҳам замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Олий ўқув юртининг «Учиш аппаратлари деталларини ишлаб чиқариш технологияси» кафедраси ҳузурда фаолият кўрсатаётган лабо-

ратория тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш йўлида қатор изланишларга қўл урди. Натижада кафедра олимларининг йирик тадқиқотлари ўзининг илмий-амалий ёчимлиги топпоқда.

Кешиш асбобларнинг мустақамлигини таъминлашга қаратилган монография ҳам юзага келди. Ион-плазма методини ҳосил қилишда кўпкомпонентли қопламаларнинг тугган ўрнини тадқиқ этилган бошқа монография ҳам тайёрланди.

Анвар ВАЛИЕВ

САҲЪАТ

Экспонатларда жонланган тарих

Ўзининг 125 йиллик санасини нишонлаган Ўзбекистон табиат музейи кўпчиликка янги маълум. Республикаимиз пойтахтида очилган дастлабки музейлардан бири ҳисобланган мазкур даргоҳ учун бу йиллар ҳар томонлама мустақамлаштириш даври бўлди.

Музей фаолиятини кенг ёриштириш мақсадида қатор манзарали паннолар ташкил этилди. Қатор наслар чоп қилинди. Хужжатли фильмлар орқали музей ҳаёти ёритилди. Ёшлар, айниқса, мактаб ўқувчилари учун қўлай бўлган деб янги экран асарлари яратилиши кутилди. Бу фильмлар ўқувчи ёшларнинг музейга қилаётган экскурсиялари чоғида мунтазам кўрсатиб борилади.

Ақром РАСУЛОВ

ҚУЛАЙЛИК

Ҳамшаҳарларимизга манзур

Опоқ ранга бўялган бундай қўрқам автобуслар шаҳримиз аҳолиси эътиборини тезда ўзига тортди. Бу хил транспорт воситасининг ташқи икки томонида зилот сув қўйида эркин сайр қилиб юрган дельфинлар тасвирланган бўлиб, ўзига хос рамзий маънога эга. Зеро, бундай ажиб кўринишни Чехияда кўпчилик ёқтиради. Чехиянинг Високе Мито шаҳрида жойлашган «Кароса» автомобиль фирмаси томонидан чиқарилаётган автобусларга дельфинлар расми чиқарилиши ҳам бежиз эмас.

«Кароса» автобуслари эн-

Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонасида Берлин-Бранденбург Фанлар академияси олимлари билан ҳамкорликда «Зардуштийликнинг ноб китоби «Авесто» 2700 ёшда» мавзусида симпозиум бўлиб ўтди. Унда мазкур академия олимлари, Германиядаги турли университетларда фаолият кўрсатаётган авестошунослар, Германия Археология институтининг илмий ходимлари, бу борада илмий изланиш олиб борилаётган ёш тадқиқотчилари, дипломатик ваколатхоналар ва жамоатчилик вакиллари ҳамда талабалар иштирок этди.

Авестошунослар анжумани

Илмий анжуманда сўзга чиққан Берлин-Бранденбург Фанлар академияси профессори В. Зундерман тарихий манбаларнинг дунё маданияти тарихига қўшган ҳиссалари ҳақида атрофлича тўхтади. У жаҳон халқлари дини ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган нодир асарларни, инсоният кўнра қўйган тегишли бебаҳо кўлемли ҳар томонлама, чуқур ўрганиш, уларни таҳлил-тадқиқ этиш, бундай нодир асарлар мазмун-моҳияти билан жамоатчиликни яқиндан таништириш бугунги кунда ҳам олимлар олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлади.

Симпозиумда «Авесто»нинг дунё маданияти тарихида тугган ўрни, Зардуштийлар китобининг таржималари, шунингдек, «Авесто» яралган даврга оид қатор маърузалар тингланди. Тадбир илмий мунозараларга бой бўлди.

Немис расмони Т. Бартел томонидан яратилган Зардуштийлик кўргазмаси тадбирга ўзгача мазмун бахш этди. Рассом тадбир иштирокчиларига асарларнинг яратилиш тарихи ва уларда ўз аксини толган мавзулар хусусида сўзлар экан, Ўзбекистоннинг бой тарихга эгалиги, ўзбек халқининг ўзига хос, ўзига мос маданияти ва самимиёти мазкур асарларни яратилишига илҳом берганини таъкидлади.

«Жаҳон» АА.

«Ўзбекистон: кеча, бугун ва эртага»

Брюсселда «Ўзбекистон: кеча, бугун ва эртага» мавзусида конференция бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланди. Бельгия Таржимонлар олий институти ва мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуман кун тартибидан Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти, иқтисодий салоҳияти ҳамда унинг бугунги ҳаётига оид масалалар жой олди.

Конференцияда Брюсселда қарор топган Европа парламенти, НАТО ва бошқа халқаро ташкилотлар, Бельгия ташқи ишлар вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идоралари, мамлакат жамоатчилиги вакиллари, ишбилармонлар, журналистлар, сиёсатшунослар ва олимлар, ўқитувчи ва талабалар иштирок этди.

Институт директори Франц де Лат анжумани очар экан, ўзининг Ўзбекистонга ташрифи билан янги бир мўъжизақор ва мафтункор мамлакатни кашф қилганини эътироф этди. У мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари, осори-атикалар, бугунги кунда олиб борилаётган кенг бунёдкорлик ишлари, халқимизга хос ва мос бўлган меҳмондўстлик ҳамда ўзбекларнинг бошқа фазилатлари ҳақида тадбир қатнашчиларига тўқинлиқ билан сўзлаб берди. Шунингдек, Франц де Лат Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети билан ўзи раҳбарлик қилаётган институт ўртасида ўрнатилган алоқаларга ҳам тўхталиб, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ҳар

— Кейин яна, Салим 50 сўм ютказиб қўювди, раҳбаримиз Холида Қосимовнага айтиб берди.

— Нима-нима, ҳали сизлар мактабда пулли ўйин ҳам ўйнайсизларми? — ўрнидан туриб кетди онаси. — Сизларни мактабда билим олади десам, ҳали дераза ойнасини синдирилсаларинг, ҳали анҳорда мушук «чумилтирларинг», ҳали карта ўйнасаларинг, унда Холлида Қосимовна нима иш қилади? Эртага мактабга бориб ҳаммаси билан галлашаман.

— Яхши бўларди, — деди Собир. — Раҳбаримиз ҳам сизнинг мактабга келмаслигини айтудилар.

— Нима бало, сенам бирор иш қилиб қўйган дурсанда-а? — ҳадиксираб сўради онаси.

— Жа унчаликмас. Ҳеч нима қилмадим. — деди қовоғини солиб Собир. — Жа, шу қилтир Одилни дераза томонга сал туртиб юбурдим, мушукни мактабга олиб келиб анҳорда «чумилтирларинг» болаларга айтудим. Агар эрлаб ўйналмас, нега Салимнинг ўзи мен билан пулга карта ўйнайди.

Абдурашул МУРОДОВ

ТУЙГУЛАР

Она тилим — жон тилим

Она тили ҳар бир миллатнинг муқаддас ва бебаҳо бойлиғидир. Ҳар миллат дегувчи улуг туйғунини шакллантирувчи энг асосий омиллардан бири ҳам ўша миллатнинг она тилидир.

Она тилим — жон тилим деймиз. Она тилимизни аввало боғчаларда ширин тиллари билан тугилиб-тутилиб гапирётган жажжи болаларимиздан эшитамиз. Ҳар куни «а, бу болалар она тилимизни қаердан ўрганишди экан. Бу гўдакларга оналарнинг меҳри, сеҳри аласию, оппоқ сути орқали сингиб кетган бўлса ажаб эмас.

Она тилимиз бўлиши ўзбек тилимизда ҳеч бир халқнинг ижодиётига тенглаша олмай-

Насриддин БОТИР

ҲЕЧ НИМА

Кечки овқатдан сўнг оила аъзолари жумла-жам бўлиб телевизор кўришмоқда эди. Собир ҳам диванда мазза қилиб бепарво ва хотиржам ўтирибди. Онаси унинг ёнига келиб охираганини сўради: — Собиржон, ўғлим, дарсларингни тайёрламайсанми? — Йўқ, бугун уй иши берилмаган, — деди пинагини кунмай Собир.

— Бўлмас мактабда кун бўйи нима қилдиларинг ўзи? — Ҳеч нима қилмадим, ойижон.

— Нега ҳеч нарсаси қилмадиларинг? — дея ажабланиб сўради онаси.

— Ха айтаман, Одил дераза ойнасини синдириб қўйди, — деб эслади Собир, гўё ҳеч нима содир бўлмагандек.

— Сенчи? Сен нима қилдинг дарсга кирмай. — Мен ҳеч нима қилмадим, Қодир билан Ойша мушукни анҳорда «чумилтирди», — деди Собир онасидан қўшни яшириб.

— Э, ха, демак сенлар дарсга кирмай анҳор бўйида мушук ўйнарсанларда?! Ҳаммаси шуми, ишқилиб?

Абдурашул МУРОДОВ

Илгари хабар берганимиздек, душанба кун «Пахтакор» марказий стадионда «Шайхонтоҳур XXI» ва «Студент ТДТУ» жамоалари ўртасида Тошкент шаҳар ҳокими Кубогининг финал беллашуви бўлиб ўтди.

Шу кунги ҳаво булут бўлишига қарамадан стадионга кўп сонли ишқибозлар ташриф буюришди. Беллашувдан олдин қизқарли концерт дастурининг намойиш этилиши ҳам халқ қилувчи ўйиннинг кўтаринки ва байрамона руҳда ўтишидан далолат беради. Ҳаётдан олдин биз Тошкент Давлат техника университети негизинида ташкил этилган ёш, умидли «Студент ТДТУ» жамоасининг мусобақага тайёрлиги, бугунги кундаги ҳолати тўғрисида сўзлаб беришни университет проректори Садриддин Турбожоновдан илтимос қилдик.

— Жамоамиз 1997 йили ташкил этилган бўлиб, унда асосан университетнинг кундузги бўлимида билим олувчи талабаларимиз тўп суришди, — дейди у. — Талабаларнинг билим олишларини таъминлаш биринчи навбатдаги вазифамиз бўлганлиги сабабли жамоа машғулотлари дарслардан кейин ўтказилади. Футбол федерациясининг тақвимига мувофиқ талабаларимизга махсус жадвал асосида шугулланишга шароит яратиб берилди. Натижалар эса ёмон эмас. Жамоа футболчилари яхши ўқиш билан бирга, соғлиқларини мустақамлаш спортда ҳам аjoyиб натижаларга эришишмоқда. Чунотчи, шу йили Наманганда бўлиб ўтган талабалар универсиадада тўртинчи ўринни эгалладик. Ўзбекистон чемпионати 2 лига-си Тошкент минтақасида эса бу йил иккинчи ўринни банд этдик. Бугунги ўйинда ҳам галаба қозониш учун бутун куч-маҳоратини ишга солишимиз.

Дарҳақиқат, бу йилги чемпионатда «Студент ТДТУ» ва «Шайхонтоҳур» жамоалари ўртасидаги ўйин 3:1 ҳисобида талабаларнинг галабаси билан тугаланишини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Кубок мусобақалари ҳеч қачон кескин курашларсиз, галаба бўлган қўлай интилишсиз кечмайди. Бу гал ҳам шундай



ФУТБОЛ

«Шайхонтоҳур XXI» — ҳоким Кубоги соҳиби



бўлди. Ҳар иккала жамоа жуда чиройли ўйин кўрсатиб, ишқибозларни хушнуд қилди. Ташаббус гоҳ у, гоҳ бу томонга ўтиб турди. Биринчи бўлимда «Шайхонтоҳур» жимоячиси Қарамон Мухамедовнинг ўнг қанотдан уюштирган шиддатли ҳужумлари айниқса, рақиб жимоячиларига катта қийинчиликлар туғдириди. Бироқ «Студент ТДТУ» дарвозабони Дадажон Жўраевнинг маҳорат билан ўйнаганлиги сабабли «Шайхонтоҳур»нинг кўп ҳужумлари бирин-кетин барбод бўлди. Қарши ҳужумларнинг бирида Аброр Ғаниев чиройли тўп киритган ҳолда «Студент ТДТУ» жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиқди. Биринчи бўлим 1:0 ҳисобида ўз яқинига этди.

Иккинчи тайм бозларида Аброр Ғаниев дарвозабон билан яқма-яқка чиққан ҳолда қўлай имкони-

ЮНОН-РУМ КУРАШИ

Спортчиларимиз шай

Маълумки, спортда мамлакат чемпионати, нуфузли анъанавий турнирлар жаҳон ва Осиё чемпионатлари, олимпиадалар олдиндан муҳим тайёрлик босқичи ҳисобланади. Уч кун давомида Республика Мудофаа вазирлигининг Марказий спорт клубида бўлиб ўтган юнон-рум кураши бўйича генерал Собир Раҳимов хотирасига бағишланган анъанавий XXVII халқаро оқич турнир ҳам худди шундай вазифани ўтади, десак янглимаймиз.

Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, пойтахт юнон-рум кураши федерацияси, Собир Раҳимов туман ҳокимлиги ва Республика Мудофаа вазирлиги спорт қўмитаси ташкилотчилигида уюштирилган мазкур оқич турнирда жами 182 курашичи иштирок этди. Бу гал Тошкент шаҳри ва республикамизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган етакчи курашчилар билан бирга қўшни Қозоғистон Республикасидан ҳам 52 нафар полковлар галаба учун кураш олиб боришди. Турнирда Ш. Турдиев, С. Наврўзов, Д. Орипов, Ш. Қўзиёев, Б. Қўрбонов, Ю. Витт, Р. Биктяков, А. Имомбоев каби жаҳон ва Осиё чемпионатлари совриндорлари, олимпиадалар қатнашчиларининг иштироки эса унинг нуфузини янада оширди.

Тўққизта вазн-тоғфиса бўйича ўтказилган финал бахсларидан сўнг голиблар аниқланди. Шунингдек, жаҳон таъкидлаш кераки, турнирда ҳамшаҳарларимиз муваффақиятли қатнашишди. Хусусан, 58 килограм-

Даврон НУРМАТОВ

Бош муҳаррир Ақмал АКРОМОВ. Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209. Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2668 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.

Нашрни таъкидлаб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишигиз мумкин. Газета «Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган.

Озиш бўйича рекорд

Яқин-яқингача озиш бўйича рекорд америкалик Онито Колбага тегишли эди. Бу аёл 15 ойда 70 килограммга озганди. Эндиликда эса филиппинлик Эрма Росси рекордчи ҳисобланади. У бир йилда 77 килограммга ўз вазини камайтирган. Шунингдек, Лондондаги пиюварнинг соҳибаси Аллен Мено исми аёл ҳам ролпа-роса 50 килограммга озган. Энди 16 ёшли қиз кийган кийимлар ҳам бемалол унга сиғаверади. Бунчалик озиш учун унга бир ярим йил керак бўлди.

Курилда бурилиш

Испаниянинг Бривеск шаҳри фуқароси, касби гишт терувчи Луис Диас 45 дақиқа-ю 37 сонияда 1050 донга гиштдан девор қурди. Унга икки тонна кум ва ярим тонна цемент ишлатилди. Гиннесинг «Рекордлар китоби»га ёзилган аввалги рекорд (747 та гишт терган) инглиз Тони Грегориға мансубдир.

Полициячи шерлар

Венесула пойтахти Карокасда иккита ёш шер махсус ўқув курсини ўтади ва улар полициячиларга ёрдам беришни бошладилар. Янги «мутахассис»ларнинг вазифаси гиёванд моддаларни қидиришидир. Шерларда ҳид биллиш хусусияти итларникига қараганда ўн марта қўчи экан.

Ҳозир ҳаммининг эътибори одатдан ташқари «тартиб посбонлари»ни жиноятчилар қандай қарши олишларига қаратилган.

Математикасиз яшаб бўлмайди

Американин Түэссон шаҳри мактабларидан бирини «Математикасиз кун» ўтказилди. Шу кунги ўқувчи ва ўқитувчиларга сана, соат календаридан фойдаланиш, умуман математикадан фойдаланиш таъқиқланди, ҳуллас барча рақамлардан воз кечили керак эди. Кун охирида мактабдаги, ҳатто бу фанга тоқати йўқ ўқувчилар ҳам математикасиз яшаб бўлмаслигини тан олишди.

Отлар... иззатда, одамлар хизматда

Голландияда неча йилдики, «Отлар кун» нишонланади. Шу кунги кўчаларда катта байрам бўлиб, отларнинг ёлларига ва думига ҳар хил рангдаги ленталар тақилади, чиройли гуллар билан безатилади. Байрам кун отлар умуман ишлатилмайди. Улар иззатда бўлади, яъни кумуш лаганлардан энг хушхўр таомлар билан сийланади.

Кимнинг қулоғи кучли?

Ҳозирги кунда Аляскада янги ўйин пайдо бўлган — «Қулоқлар жанги» деган. Бу ўйин қуйидагича: икки рақибнинг қулоқларига «қаттиқ арқон» ўраб боғланади ва рақиблар бошларини силтаб ва суриб куч синашади. Ўйин тартибига қўра, ким рақибнинг бошини орқага тислантурса, ўзининг бошини олдинга эгса, ўша голиб ҳисобланади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА тайёрлади.